

МАҲКУМЛАР ЎРТАСИДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ ВА ТАҲЛИЛИ.

Насритдинов Азизхон Анварович

ЎзР ИИБ Академияси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада маҳкумлар ўртасида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишнинг самарали йўллари криминологик нуқтаи назардан таснифланган. Шунингдек, профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье проанализированы криминологические особенности преступлений, связанных с наркотическими средствами и психотропными веществами среди осужденных. Криминологическая классификация охватывает существующие проблемы, причины их возникновения, а также эффективные пути предотвращения преступлений данного типа. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию профилактических мер.

Annotation: This article analyzes the criminological characteristics of crimes related to narcotic drugs and psychotropic substances among convicts. The criminological classification covers existing problems, the causes of their emergence, as well as effective ways to prevent such crimes. In addition, proposals and recommendations for improving preventive measures have been developed.

Калит сўзлар: гиёхвандлик, психотроп моддалар, маҳкумлар, жиноятчилик, криминология, профилактика, ҳуқуқбузарлик, жамият, таълим, жиноятларни олдини олиш.

Ключевые слова: наркомания, психотропные вещества, осужденных, преступность, криминология, профилактика, правонарушение, общество, образование, предотвращение преступлений.

Keywords: drug addiction, psychotropic substances, convicts, crime, criminology, prevention, offense, society, education, crime prevention.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Барчамизга маълумки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш, аввало, инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий негизига, аҳолининг жисмоний, руҳий ва маънавий таназзулга учрашига, яъни одамларнинг шахсий деградациясига, аҳолининг насл қолдириш қобилиятига ва келгуси авлоднинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бу иллат мамлакатимиздаги криминоген вазиятни оғирлаштиради, жиноятчиликнинг оммавий негизлари яратилишига, натижада уюшган жиноятчилик илдиз отишига олиб келади.

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 73-сонли Фармони[1], Президентимизнинг 2025 йил 03 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича

комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 207-сонли Фармони[2], 2024 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 73-сон фармони[3]га мувофиқ Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024–2028-йилларга мўлжалланган миллий стратегия, 2020 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи тартибини белгилаш тўғрисида”ги 85-сонли қарори[4], 2020 йил 11 майдаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги 119 ва 34-сонли қўшма қарор[5]лари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли қарор[6]лари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Жамият тараққиётига хавф солаётган омиллардан бири бу — гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг фуқаролар ўртасида кенг тарқалишидир. Бугунги кунда мазкур муаммо нафақат ижтимоий ва тиббий, балки ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу турдаги жиноятлар нафақат шахсий фожиаларга, балки жамиятдаги ижтимоий барқарорликка ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Статистик маълумотларга кўра, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этувчиларнинг катта қисми 18–45 ёш оралиғидагилардан иборат[7].

Маҳкум — суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кириши натижасида жиноят содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан жазо (озодликдан маҳрум қилиш ёки бошқа турдаги жазо) тайинланган шахсдир. У жазони ўташ вақтида муайян ҳуқуқлардан маҳрум бўлади ёки чекланади, лекин қонун билан белгиланган фуқаролик, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини сақлаб қолади аммо афсуски, глобаллашув, ахборот оқими ва турли маданий таъсирлар ортидан маҳкумлар ўртасида салбий иллатлар, хусусан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан фойдаланиш ҳолатлари ортиб бормоқда[8].

Гиёҳвандлик — нафақат инсон саломатлигига, балки жамиятнинг маънавий асосларига, ҳуқуқий тартиботга ҳам жиддий таҳдид соладиган хавфли иллатдир. Айниқса, ушбу муаммонинг маҳкумлар орасида кенг тарқалаётгани жиноятчиликнинг ўсиши, жинойий гуруҳларга маҳкумларни жалб қилиш, таълим жараёнида узилишлар ва ижтимоий муҳитда нотинчлик каби оғир оқибатларга олиб келмоқда[9].

Шу боис маҳкумлар ўртасидаги бу турдаги жиноятларни таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Мазкур мақолада айнан шу масалага криминологик ёндашувда ёндашишга ҳаракат қилинган[10].

2025 йил якуни ҳолатига кўра жазони ижро этиш тизими муассасаларида **10 344 нафар** (46 239 нафар маҳкумнинг 21,5 фоизи) **гиёҳвандлик** билан боғлиқ жиноятлар содир этган (10 344 нафар эркак, 95 нафар аёл) маҳкумлар:

– ЖИЭКда **6 271 нафар**;

– ТХда **2 381 нафар**;

– МКда **1 692 нафар**, шундан, чет эл фуқаролари **160 нафар** (**11 нафари аёл**)

маҳкумлар сақланмоқда. Шулардан:

– ЖКнинг 273-моддаси билан **6 953 нафар** (67,2%);

– ЖКнинг 276-моддаси билан **1 489 нафар** (14,4%);

– ЖКнинг 270-моддаси билан **516 нафар** (5%);

– ЖКнинг 251¹-моддаси билан **1 386 нафар** (13,3%).

Маҳкумларнинг **2 594 нафари** (2 499 нафар эркак, 95 нафари аёл) 30 ёшгача, **4 988 нафари** (4 880 нафар эркак, 108 нафари аёл) 45 ёшгача ва **2 762 нафари** (2 321 нафар эркак, 441 нафари аёл) 45 ёш ва ундан катта бўлганларни ташкил этади.

Жазони ижро этиш таасарруфидаги муассасаларда жиноят иши бўйича **катта миқдорда** гиёҳванд моддаларни сотиш ва сақлаш билан боғлиқ жиноят содир этган маҳкумлар **3 тоифага** ажратилган (2 352 нафар);

- **100 гр.дан 1 кг.гача – 1 585 нафар;**
- **1 кгдан ортиқ – 572 нафар;**
- **10 кгдан ортиқ – 195 нафар.**

10 кгдан ортиқ катта миқдордаги гиёҳванд моддаларни сотиш ва сақлаш билан боғлиқ жиноятларни содир этган 195 нафар маҳкумлар яшаш ҳудуди бўйича таҳлил қилинганида, қуйидагилар аниқланди:

Тошкент шаҳар – **23 нафар;**

Бухоро вилояти – **9 нафар;**

Тошкент вилояти – **28 нафар;**

Қашқадарё вилояти – **9 нафар;**

Фарғона вилояти – **25 нафар;**

Сурхондарё вилояти – **24 нафар;**

Наманган вилояти - **20 нафар;**

Навоий вилояти - **7 нафар;**

Андижон вилояти - **14 нафар;**

Самарқанд вилояти - **18 нафар;**

Сирдарё вилояти - **8 нафар;**

Хоразм вилояти - **1 нафар;**

Жиззах вилояти - **5 нафар;**

Қорақалпоғистон Р. - **4 нафар.**

Жазони ижро этиш муассасалар томонидан олиб борилган ҳамкорлик натижасида **338 та (178) жиноятлар аниқланган.** Шундан **28 таси (16) маъмурий ҳолатларни** ташкил этади.

Аниқланган жиноятлар орасида колония ҳудуди назорат ўтиш жойи (НЎЖ)да да жами 9 та (13) гиёхвандлик моддалар аниқланиб далилий ашёлар билан қўлга олинган.

Шунингдек, жазони ижро этиш департаменти бошлиғининг фармойишига асосан ўтказилган тинтув тадбирларида:

- Ёпиқ турдаги колония ҳудудида – 1 та (11-ЖИЭК);
- Манзил колония ҳудудида – 3 та (40, 44 47-МК);
- МК шартнома объектида – 22 та (30, 36, 38, 44, 50-МК 1 тадан, 40-МКда 2 та ва 49-МКда 3 та ҳамда 43-МКда 12 тадан) ҳолатлар аниқланган.

Олиб борилган ишлар натижасида 38 нафар (30) маҳкумларнинг, 297 нафар (212) фуқароларнинг жинойи ва бошқа салбий хатти-ҳаракатларига чек қўйилди.

Шулардан, 38 нафар маҳкумларнинг 16 нафарига ЖКнинг 273-моддаси, 18 нафарига 276-моддаси ва 4 нафарига 251¹-моддаси билан жиноят ишлари қўзғатилган.

Олиб борилган тадбирлар давомида ҳамкорликда жами 13 кг 446,22 г (8 кг, 908,33 г) гиёхвандлик моддалари, 2 322 дона (1 117) психотроп дори воситалар мусодара қилинган, 7 892 туп (326) экинлар йўқ қилинган.

Аниқланган гиёхвандлик моддалар тури бўйича таҳлил қилинганда қуйидаги қийматни ташкил этади[11]:

№	Номи	2024 йил	2025 йил
1.	Героин	2,52 гр	93,67 гр
2.	Опий	622,61 гр	2 кг 781,49 гр
3.	Гашиш	2 кг 936,25 гр	3 кг 120,76 гр
4.	Марихуана	5 кг 69,20 гр	6 кг 972,74 гр
5.	Кўкнори	1,17 гр	419,45 гр
6.	Психотроп	1 117 дона	2 322 дона

Жазони ижро этиш департаментида таасарруфидаги муассасаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётгани, улар инсон омилисиз интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, маҳкумлар орасида осон тарқатилаётгани масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон кадри учун” деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда[12].

Жиноятларнинг олдини олиш жиноят ҳуқуқининг вазифаларидан бири бўлиб, жиноят ҳуқуқида умумий ва хусусий профилактика билан боғлиқ. Умумий олдини олиш бутун жамиятга, индивидуал олдини олиш эса – маълум фуқароларга тегишли. Бу ҳолда, жиноий жазодан озод қилиш институти муҳим рол ўйнайди. Жазодан озод қилиш институти Жиноят кодексининг XIII бобида мустаҳкамлаб қўйилган. У жазодан озод қилишнинг етти турини назарда тутаяди, уларнинг ҳар бирида шахсни жазодан озод қилиш ёки жазони ўташдан озод қилиш ёки ўтмаган қисмини жиноий жазонинг юмшоқроқ тури билан алмаштириш ёки уни қўллашни кейинга қолдириш учун асослар мавжуд. Бундан ташқари, жазодан озод қилишнинг ҳар хил турлари жиноятдан кейинги хатти-ҳаракатларига кўра қонун бузилишига мойил шахсларга нисбатан жиноий жазо қўлланилишини қайта тиклашга имкон берадиган шартларни ўз ичига олади[13].

Маҳкумларни рағбатлантиришни ўрнатиш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар тўплами рағбатлантириш институтини ташкил қилади. Рағбатлантириш институтлари - бу жиноят-ижроия қонунчилигидаги турли рағбатлантирувчи воситалари бўлиб, маҳкумнинг ихтиёрий, муносиб, ижтимоий фаол хатти -ҳаракатларини қонуний

тасдиқлаш воситаси бўлиб, натижада у рағбат олади, бу унинг учун ижобий оқибатларга олиб келади, улар жамият учун ҳам фойдали бўлади.

Хулоса сифатида маҳаллаларда гиёҳвандлик воситаларининг истеъмоли профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун қўйдаги амалий тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг оммавий спорт билан шуғулланиши учун зарурий инфратузилмани босқичма-босқич ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш.

Иккинчидан, Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар орасидан жамоатчилик асосида “спорт тарғиботчиси” фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

Учинчидан, Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар орасида “Жисмоний тайёргарлик” синовларини ташкил этиш ва ғолиб бўлганларни рағбатлантириш.

Тўртинчидан, Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан доимий равишда соҳавий хизмат ходимлари билан профилактик суҳбатлар олиб бориш.

Бешинчидан, Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга ушбу иллатнинг зарарли оқибатлари тўғрисида кино ва видео роликлар қўйиб бериш[14].

Фақат билим олишга, изланишга, ҳунар ўрганишга сарфлаши керак бўлган бир пайтда, ўсмирларни алдов йўли билан гиёҳвандлик қурбонига айлантираётган кимсалар озми? Қанчадан-қанча оилаларнинг ёстиғини қуритаётган гиёҳвандликка қарши ҳар бир инсон ўзи курашмоғи, ташқи таъсирлардан ҳимояланмоғи лозим. Вояга етаётган фарзандларимиз ўтмиши қадим, тупроғиолтин, осмони мусаффо Ўзбекистоннинг келажак ворисларидир. Уларни мана шундай соғлом муҳитда, эзгу тушунчаларни юракларига жойлаб вояга етказайликки, ҳеч қанақа ташқи салбий хуружлар ва қора иллатлар ўпқони уларни ўзига жалб қила олмасин[15].

Умуман олганда, айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш учун фойдали бўлиши мумкин. Хусусан, Жиноят кодексига. Шунинг учун маҳкумларнинг қонунга итоаткор ҳуққ-атворини рағбатлантиришнинг муҳим воситаси сифатида тегишли рағбатлантирувчи нормалар ва институтларни ҳуқуқий тартибга солиш ва амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 73-сонли Фармони.
2. 2025 йил 03 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва нарकोжиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 207-сонли Фармони.
3. 2024 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 73-сон фармони.
4. Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва нарकोжиноятларга қарши курашиш бўйича 2024–2028-йилларга мўлжалланган миллий стратегия, 2020 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи тартибини белгилаш тўғрисида”ги 85-сонли қарори, 2020 йил 11 майдаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги 119 ва 34-сонли қўшма қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрь 330-сонли қарори.
6. А.А.Насритдинов-2025 “Jinoyat sababi va uni sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarning nazariy-huquqiy tahlili” <https://scientific-jl.org/index.php/new>.
7. А.А.Nasritdinov-2025 “Одам савдосини олдини олиш чоралари” <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3114>
8. А.А.Nasritdinov-2025 “Ахборот texnologiyalari yordamida noqonuniy giyohvand savdosini fosh etish: huquqiy va texnik jihatlari” <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3113>
9. А.А.Nasritdinov-2025 “Ички ишлар органларининг тезкор қидирув бўлинмаларида қидирув ишини ташкил этишнинг таҳлили” (Жазони ижро этиш муассасалари мисолида) <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8543180531167231457&btnI=1&hl=ru>
10. А.А.Nasritdinov-2025 “Одам савдосига қарши кураш тенденцияси” <http://journalss.org/index.php/obr/article/download/3081/2907>
11. А.А.Nasritdinov-2025 “Darknet va onlayn qora bozorlarni monitoring qilish usullari” <http://journalss.org/index.php/obr/article/download/3013/2845/>
12. Исамиддинов, С. (2024). Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасининг янгича механизмларини тақозо этувчи омиллар таҳлили. *Solution of social problems in management and economy*, 3, 3.
13. Isomiddinov S.G'. 2025 <https://eurekaoa.com/index.php/4/article/view/113>
14. Исамиддинов, С. "Фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили." *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences* 3 (2024):

15. Исомиддинов С.Ғ. (2025) Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасида “Киберхавфсизлик ўн кунлиги” чора-тадбирларининг мазмун ва моҳияти.//
Образование наука и инновационные идеи в мире
<https://journalss.org/index.php/obr/article/view/2731>